

Етимнинг молини ейиш ва унга зулм қилиш



14:00 / 14.02.2019 5190

Аллоҳ таоло айтади:

«Етимларнинг молларини зулм йўли билан ейдиган кимсалар ҳеч шак-шубҳасиз, қоринларига оловни еган бўлурлар. Ва, албатта, дўзахга киражаклар!» (Нисо сураси, 10-оят).

Етимларнинг молларини ноҳақ ейдиган кимсалар аслида олов еган бўлиб, қиёмат куни қоринларида алангаланиб туради.

Суддий раҳматуллоҳи алайҳ айтганлар: «Етимнинг молини зулм йўли билан ейдиган кимса қиёмат кунида қайта тирилганида, олов алангаси унинг оғзи, бурни, қулоқ ва кўзларидан чиқиб туради. Уни кўрган ҳар бир одам у етим молини еганини дарҳол билиб олади».

Аллоҳ таоло етим моли ҳақида:

«У молларни исроф қилиб ва (эгалари) катта бўлиб қолмасин, деб шошилиб еб қўйманглар. (Етимни ўз қарамоғига олган) киши агар бой бўлса, (етимнинг молидан) **парҳез қилсин, камбағал бўлса, яхшилик билан** (яъни, қилган хизматига яраша) **олиб есин»** (Нисо сураси, 6-оят).

Уламолар: «Яхшиликдан ортиқчасини ейиш ҳаром бўлади», дейишган. Ибн Жавзий ўз тафсирида яхшилик билан ейиш ҳақидаги тўрт хил қарашни келтирганлар:

1. Қарз ҳисобида олиш.
2. Исроф қилмасдан эҳтиёжга яраша олиб ейиш.
3. Етим учун қилган хизматига яраша олиш.
4. Зарур бўлиб қолганда олиб, имкони бўлганда қайтариш, агар имкони бўлмаса қайтармай қўяверади.

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: **«Етимни қарамоғига олган одам мен билан жаннатда мана бундаймиз» дедилар-да, кўрсаткич ва ўрта бармоқларига ишора қилиб, орасини сал очиб қўйдилар»** (Бухорий ривояти).

Етимни қарамоғига олиш дегани уни тарбиялаш, едириб-ичириш, кийдириш ва агар мол-мулки бўлса, уни кўпайтиришдир. Борди-ю, мол-мулки бўлмаса, унга Аллоҳ таолонинг розилигини истаб инфоқ-эхсон қилинади.

Пайғамбар соллalloҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Кимда ким муслмонлар орасидаги етимни ўз таоми ва ичимлигига (яъни, ўз қарамоғига) олса, мабодо кечирилмайдиган гуноҳ (яъни, ширк) қилмас экан, Аллоҳ уни жаннатга, албатта, киритади»** (Термизий ривояти).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Мен жаннат эшигини биринчи бўлиб очувчи шахсман. Фақат бир аёл мендан илдамроқ эканини кўраман. Ундан: «Сен кимсан?» деб сўрайман. У: «Мен етимларимга қараб ўтирган аёлман», дейди» (Абу Яъло ривояти).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қалби қаттиқлигидан шикоят қилди. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Етимнинг бошини сила ва мискинга таом бер», дедилар» (Аҳмад ривояти, саҳиҳ ҳадис).

«Гуноҳи кабиралар» китобидан